



Алия ТОЖИЕВА

филология фанлари номзоди, кафедра мудири
Нукус давлат педагогика институти
aliya_tazhieva@mail.ru

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли қарорида кўрсатилган «замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш»(1) вазифаси бугун барча олий таълим муассасаларида бош масала бўлиб турибди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш учун Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида инглиз тилини ривожланган хорижий давлатларнинг таълим стандартларига мос келадиган даражада ўргатиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Институтнинг Чет тиллар факультети 1954 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 2012 йили чет тиллари Филология факультети таркибида ўқитила бошланди. Факультетда 5111400 – инглиз тили ва адабиёти таълим йуналиши буйича мутахассислар таёрланади. Уларни тайёрлашга Инглиз тили ва адабиёти кафедраси масъул. Ушбу кафедра мутахассис таёрлайдиган кафедра сифатида 1995 йили иш бошлаган. Кафедрада 22 профессор-ўқитувчи, шу жумладан, 2 фан номзоди, бта катта ўқитувчи фаолият кўрсатади. Кафедра профессор-ўқитувчилари республикада ва чет элларда мутахассисликлари бўйича малака ошириб борадилар. 1999 йили кафедра катта ўқитувчиси Р.Рзаева «Истъедод» жамғармасида малака ошириб ғолибликни қўлга киритди. 2003 йили ассистент-ўқитувчилар Г.Бекбергенова ва Г.Калимбетова «Partnership in Education» программаси ғолиблари сифатида Америка Кўшма Штатларида малака оширдилар. 2008 йили кафедра доценти М.Абдуллаев халқаро ТЕМПУС программаси ғолиби бўлиб, Франциянинг Гренобль – 2 университетида, 2009 йили ассистент-ўқитувчи С. Сапаров «Халқаро тренинг»

лойихаси бўйича Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Чет тиллар университетида, 2009 йили ассистент-ўқитувчи Н.Жалгасов «Таълим секторини ривожлантириш» лойихаси бўйича Германиядаги «Мюлгелзе» таълим марказида, 2012 йили доцент Д.Мамырбаева, ассистент-ўқитувчи Г.Кдырбаева «Истеъдод» жамғармаси томонидан ташкил этилган инглиз тили тренер-ўқитувчилари таркибида Буюк-Британиянинг Норвич тил ўқитиш институтида ҳамда доцент Д.Курбанбаев Лондон Метрополитен университетида малака ошириб қайтдилар. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида чет тилини ўқитишни йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВнинг 2013 йил 11 июлдаги 250-сонли «Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларни ўрганишларини ташкил этиш тўғрисида»ги буйриғига асосан 11та ўқитувчи ЎзДЖТУда малака ошириб, тренерлик сертификатиغا эга бўлдилар. 2014 йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган «Таълимда замонавий баҳолаш усуллари» мавзусидаги махсус-семинар-тренингда кафедра доценти Д.Мамырбаева тренер сифатида иштирок этди. 2014 йили «Истеъдод» жамғармаси томонидан ташкил этилган махсус семинарда доцент Д.Мамырбаева тренер сифатида, катта ўқитувчи А.Тажиева ва ассистент-ўқитувчи Г.Кдырбаева иштирокчи сифатида қатнашдилар.

Институтнинг мутахассислиги чет тили бўлмаган таълим йўналишларида чет (инглиз ва немис) тилларни ўқитиш учун «Чет тиллар» кафедраси маъсул. Кафедрада 27 профессор-ўқитувчи, шу жумладан, 1 нафар фан номзоди, 4та катта ўқитувчи фаолият кўрсатади. Кафедра катта ўқитувчиси Г. Боранбаева ва ассистент-ўқитувчи Г. Жумамуратова «Ўзбекистон республикаси халқ таълими аълочиси», катта ўқитувчи А. Наршабаева ва ассистент-ўқитувчи А. Бекмуратова «Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони эгаси. Кафедра ассистент-ўқитувчиси Г. Дошумбаева ДТМнинг В2 даражаси сертификатиغا эга. 2012 йили кафедра катта ўқитувчиси А. Тажиева инглиз тили тренер-ўқитувчилари учун «Истеъдод» жамғармаси томонидан ташкил этилган Буюк Британиянинг Норвич тил ўқитиш институти курсида ўқиб, малака оширди. Кафедрада махсус тренерлик сертификатга эга 6 ўқитувчи, жумладан, катта ўқитувчилар А. Тажиева, Г. Сейтова, Х. Жуманазарова, К. Калимбетова, С. Курбаниязова ва А. Наршабаева амалий инглиз тилини ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида институт раҳбарияти ва барча профессор-ўқитувчилар учун ташкил этилган курсларда 2013 йилдан буён ўқув машғулотлари олиб борадилар. Улар доимий равишда курс якунида профессор-ўқитувчиларнинг амалий инглиз тили бўйича билим ва кўникмалари даражасини

аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказадилар. Шунингдек, республикамиздаги мактаб ўқитувчиларига «Маҳорат мактаби» доирасида амалий ёрдам берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар» тўғрисидаги 124-сонли қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 28 августдаги 319-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Чет тили фанининг ўқув дастури»да кўрсатилган чет тилини икки босқичга (умумий ва касбга йўналтирилган босқичларга) бўлиб ўқитиш бўйича кафедрада чора-тадбирлар белгиланган. Ўқув дастури асосида ишчи дастурлар ишлаб чиқилди, материаллар базаси тўпланди, ўқув-услубий мажмуалар яратилди. Касбга йўналтириб ўқитишда ҳар бир таълим йўналиши учун методик қўлланма ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда кафедра профессор-ўқитувчилари методик қўлланмалар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Г. Сейтова, А. Борашева ва У. Ходжаниязованинг филология таълим йўналиши талабаларига мўжалланган «Texts and tasks for philology department»; А. Тажиева ва Н. Куртебаеванинг бошланғич таълим йўналишига мўлжалланган «Teaching young learners»; Г. Кенжебаева ва А. Борашеванинг физика таълим йўналишига мўлжалланган «English Module for Physics students»; Х. Жуманазарова ва А. Бекмуратованинг биология таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган «Biology»; Х. Жуманазарова ва А. Бекмуратованинг география таълим йўналиши талабалари учун «Geography» топшириқлар мажмуаси; З. Елмуратованинг меҳнат таълими йўналиши талабаларига мўлжалланган «Texts about labour»; Г. Кенжебаева, У. Ходжаниязова ва К. Калимбетованинг информатика йўналиши учун «Informatics in English» каби замон талабларига жавоб берадиган методик қўлланмалари яқунланиш арафасида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорида таъкидланган «Хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш»(1) мақсадида институтда чет тиллар ўқитиш учун махсус фан кабинетлари очилган. Шу жумладан, филология факультетида махсус жиҳозланган учта фан кабинети, битта лингофон кабинети ва нофилологик йўналишдаги олти факультетда чет тиллар ўқитиш учун фан кабинетлари фаолият кўрсатади. Фан кабинетларидан талабалар нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари вақтларда мустақил ишларни бажариш учун фойдаланадилар. Кабинетларда интернет тармоғига уланган компьютерлар ва китоблар мавжуд.

2013 йили 13–14 март кунлари институтда «Таълим тизимида чет тилларни ўргатишнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция якунида институт миқёсида ҳар ҳафтанинг

чоршанба куни «Инглиз тили куни» деб белгиланди. 2014 йилнинг март ойида «Инглиз тилини ўқитишнинг долзарб муаммолари ва ўқувчилар билимини баҳолашнинг замонавий мезонлари» мавзусида республика семинар-тренинги ўтказилди. Икки ҳафта давом этган ушбу семинар-тренингга Нукус шаҳри ва узоқ туманлардаги мактаб ўқитувчилари жалб этилди. Семинар-тренинг мактаб ўқитувчиларининг кўплаб саволларига жавоб топишида кўмаклашди, уларга амалий ёрдам кўрсатишга ўз хиссасини қўшди.

Инглиз тили ва адабиёти таълим йўналиши талабалари ЎзРОЎМТВ ва Британия Кенгаши билан биргаликда имзоланган меморандум асосида PreSETT «Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш» лойиҳасида 2009 йилдан буён қатнашиб келадилар. Ушбу лойиҳа асосида ишлаб чиқилган ва ЎзРОЎМТВ тасдиқлаган янги ДТС, ўқув режа ва ўқув дастурлари 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб мазкур йўналишнинг ўқув жараёнига киргизилди. Бу таълим йўналиши талабалари доимий равишда лойиҳа ишлари кўрғазмаси ва тақдимотларини намойиш этадилар, улар турли асарларни саҳналаштириш ва бошқа тадбирларни ўтказишда жуда фаолдирлар.

Бугинги кунда Нукус давлат педагогика институтида ҳар томонлама камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантириш, чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли қарори. –Т., 2012.
2. Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВнинг 2013йил 11 июлдаги 250-сонли «Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларни ўрганишларини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи. – Т., 2013.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 124-сонли қарори. – Т., 2013.
4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 28 августдаги 319-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Чет тили» фанининг ўқув дастури. – Т., 2013.